БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 262 (3763)
18 ШАНБА НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Беш йиллик вахтасида*

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

Синтетик ювиш воситалари заводида бундан тўрт йил муқаддам фақат «Лотос» совун-порошоги ишлаб чиқариларди. Ҳозир эса конвейердан «Лотос»дан ташқари «Лотос-А», «Лотос—Автомат», «Ока» совун-порошоклари тушириб олиняпти. Яқин келгусида «Эра — Автомат» совун-порошоги ҳам тайёрлана бошланади. Булар ҳар бири ҳар хил турдаги газламаларни ювишда ишлатиладиган, юқори сифатли порошоклардир.

Корхона бу йил 24 минг тонна маҳсулот реализация қилиши лозим. Коллектив ваъдага яраша меҳнат қиляпти. Биринчи квартал якуни бўйича завод шаҳардаги соҳа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма Қизил байроқни қўлга киритган эди. Заводда ҳозир ҳам суръат сусаймаяпти. Ҳар куни савдо тармоқларига 78—80 тонна маҳсулот жўнатиляпти. Ишчилар ўртасида смена ва ойлик топшириқларни ортиғи билан бажариш учун бошланган мусобақада Г. Бойкина, Н. Иванова, В. Уварова бошлиқ сменаларнинг ишчилари пешқадамлик қилишяпти. Бу сменаларда кунлик топшириқлар мунтазам 115—120 процент бажарилиб, маҳсулотнинг асосий қисми аъло сифатда тайёрланяпти.

Ўн ойлик иш якуни бўйича заводда 19137 тонна синтетик ювиш воситалари тайёрланди. Бу маҳсулотнинг 257 тоннаси планга қўшимча ишлаб чиқарилди.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

Тошкентликлар «оқ олтин» йиғим-теримида

Пахтазор—мардлар майдони

Жиззах областининг Арнасой районидаги К. Е. Ворошилов номли совхоз далаларида бу йил мўл пахта ҳосили етиштирилди. Совхоз райондаги илғор хўжаликлар қаторида халқ хўжалик планини ва мажбуриятини ошириб бажарди. Лекин далаларда ҳали ҳосил кўп.

Совхоз пахтакорларига ёрдам бериш учун келган Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтининг 3 мингга яқин студенти фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Институтнинг немис, инглиз ва француз тиллари факультетлари ўртасида социалистик мусобақа асосида иш олиб борилмоқда. Студентларнинг унумли ишлаши, яхши яшашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Немис тили факультети студентлари совхознинг 4 ва 5-бўлимларида пахта теришяпти. Коммунист Ш. Рўзиев раҳбарлик қилаётган ёшлар бригадаси факультетда пешқадамлик қилиб келмоқда. Айниқса, М. Сафошева, М. Қориева, Ў. Тилабова, М. Укубоев, М. Искандарова каби комсомоллар барча дўстларига намуна бўлмоқдалар. Улар кунига 80—100 килограммдан пахта териб беришяпти.

Институт пахта штаби ҳар беш кунда социалистик мусобақа натижаларини кўриб чиқиб, илғор бригада ва теримчиларни кўчма Қизил байроқ билан тақдирлаб, ёшларни терим суръатини янада оширишга илҳомлантирмоқда. Биринчи беш кунликда коммунист Н. Аваздбоев бошчилигидаги студент-қизлар бригадаси, иккинчи ва учинчи беш кунликда эса коммунист Ш. Рўзиев раҳбарлик қилаётган студентлар бригадаси кўчма Қизил байроқ олишга муяссар бўлди. Ҳозирги кунгача немис тили факультети бўйича 100 тонна, институтимиз бўйича эса 500 тонна пахта терилди.

Республикамизнинг 5 миллион 700 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиладиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Фидокор пахтакорларимизга ғайратшижоат билан кўмаклашаётган студентларимиз терим суръатини янада жадаллаштирмоқдалар.

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
институт немис тили грамматикаси ва тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА—ИШЧИ КАФОЛАТИ

• *Тежамкорлик—яхши ҳислат*

ХЎЖАКЕНТГА ЎН МАРТА

Асқар Шомансуровнинг номини Тошкент тепловоз депосида «тежамкор машинист» деб, ҳурмат билан тилга олишади. Чиндан ҳам шундай. Мана бир неча йилдирки, у тепловоз машинисти бўлиб хизмат қилди. У шу йиллар мобайнида юзлаб тонна ёқилғини тежаб қолди.

Ҳозир у «Тошкент Хўжакент», «Тошкент — Сирдарё», «Тошкент — Янгийўл» оралиқларида қатнайдиган поездларни бошқариб келяпти. Тежамкор машинист эндиликда ёқилғини эмас, кўплаб электр қувватини тежаб қоляпти.

Унинг йил бошидан буён тежалган электр қуввати ўн икки минг киловатт-соатдан ортди.

Ана шу тежалган электр қуввати ҳисобига «Тошкент— Хўжакент» оралиғидаги масофага электропоезд 10 маротаба бориб келиши мумкин.

Айни кунларда тежамкор машинист КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан янада тежамли ишлашга ҳаракат қилмоқда.

М. ҲАКИМОВ.



В. И. Ленин номли Тошкент электрон техника заводи тайёрлов цехининг комсомол-ёшлар участкаси коллективи беш йилликнинг тўрт йили планни муддатидан илгари адо этилганлиги ҳақида рапорт берди. Участканинг ҳар бир ишчиси смена топшириқларини мунтазам 30— 40 процент ортиғи билан бажармоқда. Шу билан бирга бу ерда маҳсулотларнинг сифатли ишлаб чиқарилишига ҳам катта эътибор берилмоқда.

СУРАТДА: комсомол-ёшлар участкасининг моҳир йигитчалари: Светлана Симонова, Надежда Граколова, Равиля Гараева ва Елена Третьяк.
А. Аваздов фотоси, (ЎзТАГ).

• *Истеъмол буюмларига—кенг йўл*

Эмалланган идишлар

Металлни қайта ишлаш бўйича Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп литрли идишларни пайвандлаш йўли билан тайёрлаш ва уларнинг сиртига эмаль қоплаш юзасидан янги технология ишлаб чиқаришга жорий этилди. Корхонанинг эмалланган идишлар пехида шу йилнинг ўзида хўжалик ишларида зарур бўладиган бакларни тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Шу йилнинг охирига бориб магазинларда яна бир янгилик пайдо бўлади. У ярим литрли чойнаклардир.

Корхонанинг маҳсулотлари ҳозирги пайтда Қозоғистон, Украина ва Болтиқ бўйидаги шаҳарларга кўплаб юборилмоқда. Бу маҳсулотлар жозибали ишланган патнуслар, ҳар хил гул солинган идишлардир. Бирлашманинг конструкторлик-технология бюроси истеъмолчиларнинг талабига жавоб бериш мақсадида янги маҳсулотларнинг ҳужжатларини тайёрламоқда. Янги маҳсулотларга юқори сифатли эмаль билан ишлов берилади. Сотувга кострюллар кўплаб ишлаб чиқарилади. Бу идишлар рўзғорда сут қайнатишда мос келади.

Корхона шу йилнинг ўзида аҳолига 900 минг сўмлик маҳсулот етказиб беради.

Ёшлик ғайрати билан

— Биз пахтакормиз,— дейди республикамизнинг ҳар бир граждани фахр ва ғурур билан. Улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшиш ишчилар ва қурувчилар, олимлар ва студентлар учун ҳам шарафли бурч. Шу кунларда пахтазорларда деярли барча касб кишиларини учратасиз.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг 4000 га яқин студенти Жиззах областининг Мирзачўл районида ғайрат кўрсатишяпти. Улар 21, 22 ва 22 «А» совхозларида ҳозиргача 1 ярим минг тонна «оқ олтин» тердилар. Натижада кейинги ўн кунликда ҳашарда қатнашаётган олий ўқув юртлари ўртасида юқори натижага эришиб, кўчма Қизил байроқ билан тақдирландилар.

Ёшлар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишяпти. Бунда тарих факультетининг студентлари П. Аннаева, С. Усмонов, табиёт ва география факультети студенти Т. Пиримқулов ва бадиий графика факультети студенти К. Деҳқоновалар пешқадамлар сафида боришяпти.

РЕМОНТ СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

Шаҳримиздаги 3-таксомотор парки рационализатори ишлаб чиқаришга жорий этган янгилик йилига 24 минг сўм иқтисодий самара беради. Улар ГАЗ— 24 автомобилининг ремонтдан чиққан двигателини текшириш учун оригинал стенд қурдилар. Стендда мотор синалганда худди юриб кетаётган машинадагидек ҳолат юзага келади. Бу нарса ремонт пайтида йўл қўйилаётган нуқсонларни паркнинг ўзида аниқлаш имконини беради. Натижада ремонт сифати яхшиланади, двигателларнинг хизмат муддати анча ошади.

ТОПШИРИҚҚА ҚЎШИМЧА

Электр рўзғор буюмлари заводининг Наима Рустамова, Матлуба Мирзаева, Бурхон Исмоилов, Тимофей Бучиев каби қандил тайёрловчилари йил бошида СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунига қадар беш йилликнинг 3,5— 4 йили топшириғини адо этиш мажбуриятини олишган эди. Улар бу ваъдаларини шараф билан бажаришди. Илғорлар шу кунларда ҳам суръатни сусайтиришмаяпти. Смена топшириқларини мунтазам 120 — 130 процент адо этиб, аъло сифатли буюмлар тайёрлашяпти. Корхонада ҳар куни ўн минг сўмликдан зиёд турли хил электр рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатиляпти. Йил бошидан бери 1 миллион 700 минг сўмликка яқин маҳсулот реализация қилинди. Шундан 60 минг сўмлик буюм топшириққа қўшимча тайёрланди.

Корхонада икки хил буюм: уч лампали ва бир лампали девор қандиллари давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Бу қандиллардан йил бошидан бери 70 минг сўмликдан ортиғи савдо тармоқларига чиқарилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги муносабати билан қутлаганликлари ва эзгу истаклар билдирганликлари учун партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, муассасаларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флотининг жангчиларига, қардош социалистик мамлакатларнинг раҳбарларига, коммунистик ва ишчи партияларига, миллий демократик партияларга, ҳукуматларга, давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, шунингдек чет мамлакатларнинг айрим гражданларига самимий миннатдорчилик билдирадилар.

● 17 ноябрь куни Кремлда Совет—Эфиопия музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар давомида Совет-Эфиопия муносабатларига доир кўплгина масалалар кўриб чиқилди. Баъзи бир актуал халқаро проблемалар, шу жумладан Африкадаги аҳвол юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Музокаралар ўртоқларча ошкоралик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

1. **Абдушоҳидова** Нури Мирзаҳмедовна — уй бекасига.
2. **Тешабоева** Наима Акбаровна—уй бекасига.
3. **Умарова** Лилия — ишчига.
4. **Умрзоқова** Раҳима — уй бекасига.
5. **Файзиева** Назира — уй бекасига.
6. **Шонсоқова** Анзиратхон Холматовна — уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари.

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1978 йил 9 ноябрь.

ЖАДАЛ СУРЪАТ

БУГУН

Максим Горький кўчасида қурилаётган биссорганика химияси институти инженерлик лабораторияларига қорпусининг олти қаватли биносида умумий қурилиш ишлари тугалланди. Ҳозир корпуснинг хўжалик биносини қуриш жадал суръатлар билан олиб борилияпти. «Главташкентстр о й »нинг 4-трестига қарашли 38-қурилишбошқармасининг М. Муҳаррамов бошчилигидаги комплекс бригадаси объектдаги ишларни графикдан ярим ой ўзиб адо этяпти. Коллектив беш йилликнинг уч йили ишлаб чиқариш планини бажариб, келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бригаданинг муваффақиятига Е. Глушин, М. Скоков, Н. Сафин каби ишчилар катта ҳисса қўшяптилар.

РУҲЛАНТИРУВЧИ АСАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бир группа профессор-ўқитувчилари Мирзачўл районига бориб келишди. Улар пахтакорлар ва ҳашарчи студентларга Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» хотира асари ҳақида гапириб беришди.

Институт ректори, профессор Ҳ. Турсунов, кафедра мудирлари, профессорлар А. Аграняц, М. Давлатшин, Д. Олломуродов ва бошқалар ўз сўзларида Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари социалистик Ватаннинг улуғворлигини, коммунистик ғояларнинг қудратли кучини тарақиёт этган асар эканлигини таъкидладилар. Бу асар кишиларни чуқур ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Маҳорат намойиши

Келгуси йил июнь ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган тўққизинчи халқаро вокалистлар конкурси олдидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қўшиқчиларининг ижрочилик маҳоратини тинглаб саралаш ниҳоясига етди.

Ана шу конкурс ер куррасининг музика ҳаётида муҳим воқеа бўлади, десак янглишмаган бўламиз. У янги-янги талантли ижрочиларнинг номларини маълум қилади.

Жюри аъзолари орасида Чайковский номли Москва консерваторияси якка қўшиқ кафедрасининг мудири, жюри раиси Г. И. Тиц, СССР Маданият министрлиги Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслар бошқармасининг бош режиссёри В. М. Самойленко, Ўзбекистон халқ артисти Н. Ҳошимов, СССР халқ артисти А. Бобоқулов ва мамлакатимизнинг бошқа машҳур артистлари бор эди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг 12 қўшиқчиси бир неча кун мобайнида Москвада бўладиган якунловчи саралаш конкурсида қатнашиш ҳуқуқи учун курашди. Юксак ижрочилик маҳоратини кўрсатган Москва консерваториясининг 4-курс студенти Исмоил Жалолов, Нукус санъат билим юртининг ўқитувчиси Мақсит Ҳўжаниёзов ва Олмаотадаги Абай номли опера ва балет театрининг солисти Алибек Длишев ғолиб чиқишди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.



Пойтахтимизнинг кенжа— Қорасув массивида турар жойлар, маданий-маиший ва маъмурий бинолар қурилиши кун сайин авж олдирилмоқда.

СУРАТДА: 1-Қорасув массивида қад кўтарган янги уй-жойлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Республика бўйлаб

ЎЗБЕКИСТОН—БАМГА

Темир йўл состави оқиста кўзгалди ва ўнта кўчма ётоқхонадан иборат бутун бир кўча платформаларда олис йўлга жўнаб кетди. Оқтош ремонт-механика заводининг коллективи Байкал-Амур магистрали бинокорларининг фахрли буюртмасини бажаришга киришди. Йил охиригача, «Новосибирскбамстрой» трестига қилдираклардан юрадиган 70 та қулай ва пишиқ уйчалардан иборат бутун бир шаҳарчани ортиб жўнатиш лозим. Ҳар бир уйнинг ичига гигиеник пластик копланган. «Сибирчасига» иссиқ қилинган, иссиқ сув билан иситиш системаси суюлтирилган газ, шунингдек кўмир билан ҳам ишлайверади.

Завод ишчилари ва инженерлари зиммаларига олган социалистик мажбуриятга биноан, шу йил пландан ташқари яна ўнта вагон ясаб, БАМ қурувчиларига жўнатишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ТАЛЛИНГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Пойтахтимиз савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ёш ишчиларидан бир группаси Таллинда ўтказиладиган мамлакат савдо ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашига жўнаб кетди. Улар маиший хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари тўғрисида докладларни тинглайдилар. Семинарда Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарларнинг савдо ходимлари иш тажрибаларини алмашадилар.

ПАХТА ЭКСПОРТИ

Қашқадарёнинг пахта заводлари фахрли бурчни бажардилар: илк бор олий нав 500 тонна пахта толаси Вьетнам Социалистик Республикасига юборилди. Маҳсулот Қарши чўлининг қўриқ ерларидан терилган пахтадан тайёрланди.

Қашқадарё пахтасини олаётган мамлакатлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Булар орасида Югославия ва Руминия, Япония ва Болгария, ГДР ва Франция, кўпгина бошқа мамлакатлар бор.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Харидгир мол — болалар гамаши энди-ликда Сифат белгиси билан чиқарилади. Жиззах устки трикотаж фабрикасининг Буваҳол Абдурасулова бригадасига шу маҳсулотни чиқариш ишониб топширилди. Йил охиригача акрил полотнодан минг-минглаб шундай шимлар тикиб, магазинларга юборилади.

Корхона коллективи фахрий беш бурчак белгиси босилган маҳсулотлар чиқариш бўйича областда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу ерда беш хил маҳсулот шундай тамғага сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

★ **ВАРШАВА.** Польша пойтахтида Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг кўмир саноати доимий комиссияси ўз ишини бошлади. Унда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегатлари қатнашмоқдалар.

Комиссия мажлисининг қатнашчилари кўмир саноати соҳасида ҳамкорлик қилишнинг бир қанча иқтисодий ва илмий-техникавий проблемаларини муҳокама қиладилар.

★ ВАШИНГТОН. Янги 1979 йилда Америкада энг зарур молларнинг, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошади. Бу ҳақда АҚШ қишлоқ хўжалиги министрлигининг маълумотида айтилади. Келаси йил мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари 6—10 процент қимматлашади, шу жумладан, мол ва чўчқа гўшти нархлари 11 процент ортади.

★ **ТОКИО.** Бу ерда Япония— Америка парламентлариаро симпозиум очилди. Ҳар икки томоннинг турли соҳалардаги алоқаларини муҳокама қилиш кун тартибига киритилган. Матбуотнинг хабар беришича, тўпланганлар икки мамлакат ҳарбий иттифоқи масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Қонун чиқарувчилар Япония ва АҚШ ўртасидаги бир-бирига кескин зиддиятли савдо-иқтисодий муносабатлар проблемасини ҳам муҳокама қиладилар.

Тўрт кун давом этадиган симпозиум ишида Япония парламентининг депутатлари ҳамда АҚШ конгресси иккала палатасининг аъзолари қатнашмоқдалар.

★ БАҒДОД. Ироқ Республикасида автомобиль йўллари масофаси йил сайини ошмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакат жанубидаги Ърбиль вилоятининг ўзидагина 1.500 километрли янги магистраллар ётқизилмоқда. Бу магистралларни қуриш учун 100 миллион ироқ динори ажратилди. Йўллар вилоятдаги энг олис районларни бир-бири билан боғлайди, мамлакатнинг бошқа қисмлари билан алоқани яхшилайди.

★ **КАТМАНДУ.** Непалда ҳозирги вақтда сал кам беш юзта медицина пункти, аъни шу беш йилликнинг (1976—1980 йиллар) бошидагига нисбатан юзта кўп пункт бор. Шу вақт мобайнида стационар даволаш муассасалари шифохоналари ҳам кенгайди. Соғлиқни сақлаш министрлигининг маълумотларига кўра, ҳозир мамлакатда 66 та касалхона бор. 1975 йилда 59 та касалхона бор эди.

Непал чечак касаллигидан бутунлай холи бўлганлиги ўтган йилнинг апрель ойида расмий равишда эълон қилинди. Бу факт соғлиқни сақлашда Непал эришган муваффақиятлардан яққол далолат беради. (ТАСС).



ГФР. Франкфурт-Майнда халқаро китоб ярмаркаси катта муваффақият билан ўтди. Ярмаркада 77 мамлакатнинг 5 минг нашриёти 300 мингга яқин номдаги ўз маҳсулотларини— китоблар, брошюралар, санъатга доир альбомларни намойиш этди. Ярмаркада СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг, шунингдек ГФР демократик нашриётларининг маҳсулотлари кенг намойиш этилди.

СУРАТДА: СССРда спорт ва 80-йиллги Олимпиадага тайёргарликка бағишланган стенд олдида.
А. Урбан телефотоси, ТАСС фотохроникаси.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

...Тошкент трактор заводи партия конференциясига бир кун қолганда коллективни социал ривожлантириш масалаларини координация қилувчи штабнинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Одатдаги ишлаб чиқариш планеркасида бўлган суҳбатлардек туйиларди. Темирчилик цехи хомашёни етказиб беролмади. «Ташсельмаш»га тракторлар етказиб берилмади. Эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш графиги ҳам «синиш» хавфи остида қолди. Шуниси қизиқки, штаб аъзолари фақат ишлаб чиқариш масалаларигагина эмас, маиший турмуш масалаларига ҳам чуқур кириб боришди.

Масалан, цех нега ишга тайёрланмади? Нега хоналар совуқ? Қисқаси, меҳнат кишисига бўлган муносабат ва у орқали бутун ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар биринчи навбатда муҳокама қилинди.

Ҳисобот-сайлов партия конференциясн давомида ҳам худди ана шу манзарани кўрдик. Партия комитети секретари Х. Н. Шагиевнинг докладида тракторсозлар коллективи эришаётган кўпгина ютуқлар билан бирга корхона ўтган йили товар маҳсулот ишлаб чиқариш давлат планини бажармагани, мамлакат пахтакорларига 783 та трактор кам берилгани таъкидлаб ўтилди. Ҳозир ҳам аҳвол ёмон. Ўн ойда ишлаб чиқариш планлари бир неча марта тахлил этилди» ва кейинги даврга кўчирилди. Завод бу кўрсаткичларда ҳам орқада қолаётгани кўриниб турибди.

Цехлар ва умуман завод ишининг қониқарсиз бораётганига турли сабаблар келтирилди: реконструкция билан, янги хил маҳсулотларни ўзлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар экани айтилди. Лекин асосий камчилик сифатида ички нуқсонлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Уни анкета бўйича ҳам — социологик тадқиқотдан ҳам кўриш мумкин. Худди шу ҳақда ҳисобот докладида сўз юритилди. Бу заводдан бўшаб кетаётган ҳар бир киши анкета тўлдиради. Таҳлил шуни кўрсатдики, кўпгина ёш ишчилар корхонада ишда қолишлари ҳам мумкин эди. Бир киши анкетага шундай деб ёзибди: «Мен заводга ишга киргани мда коллективда ўз ўрнимни топиб кетарман, деб ўйлаган эдим. Лекин миниг афсуски, мен ишлаган цехда бундай бўлмади. Комсомол-ёшлар бригадасини тузишни таклиф қилган эдим. Мени ҳеч ким қувватламади». Ишдан бўшаб кетаётганларнинг 10 процента цех раҳбар ходимлари билан ишлаш қийинлигини сабаб қилиб кўрсатишган.

Ҳисобот докладида нега шундай бўлаётгани, нега партия ташкилотлари коллектив ўзаро муносабатига чуқур кириб бормаётгани батафсил, ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этилди. Партком секретарининг ҳисоботи мусокара руҳини жонлантириб юборди. Ишчи Л. Дубинина коллективни орқага тортаётганларни номманом айтди. У ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши сабабларига тўхталди. Биринчи навбатда меҳнат бўш ташкил этилганини, шу сабабдан станоклар бўш туриб қолаётганини айтиб ўтди. Ў цех партия бюроси шаънига танқидий фикрлар билдирди. Партия бюроси маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини бутунлай унутиб қўйган. 31-цех бошлиғи А. П. Казаков (бу цехда янги МТЗ—80Х тракторлари тайёрланади) ишга икки хил ёндошишни айтиб ўтди. Коммунистлар Ш. Шарофиддинов ва И. Каранец бошқараётган участкаларда фақат ишлаб чиқариш масалалари билан эмас, кишилар тарбияси билан ҳам шуғулланишади. Улар партия группасига таяниб коллективда меҳнат интизомини бузиш ҳолларига бутунлай барҳам беришди. Бу участкаларда яхши муносабатлар мавжуд. Ўртоқларни туғилган кунлари билан табриклаш, юбилей вақтларида ветеранга совғалар топшириш, янги ишга келган ёшларга ғамхўрлик қилиш анъана тусини олган.

П. П. Филиппов бошчилик қилаётган 6-йиғув цехида манзара бутунлай бошқача. Бу ерда фақат ишлаб чиқариш масалалари ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам ёшлар бу коллективда узоқ ишламаяпти. Меҳнат кўрсаткичлари ҳам ойдан-ойга пасаймоқда.

Тарбиявий иш масалалари, интизом беш камчиликнинг асосий вазифалари— ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлаб олиб борилияпти. Завод директори П. М. Мирзаахмедов, созловчи Г. Марарова, маҳаллий комитет раиси В. П. Иваницкий ва бошқаларнинг сўзларида бу фикр алоҳида таъкидланди.

Конференция қатнашчилари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш учун коллективни сафарбар этиш юзасидан партия комитети олиб борган ишларни таҳлил этишди, ташкилий-партиявий, идеологик иш соҳасидаги эътибордан четда қолаётган масалалар тилга олиб ўтилди. Коллектив бу камчиликларга қанчалик тез барҳам берса бешйиллик режаларини шунчалик тез бажаришади.

Пахтакор республикаларнинг меҳнатчилари тошкентлик тракторсозлардан янги техника кутишяпти. Корхонани реконструкциялаш планида йилига 35 мингтагача янги замонавий МТЗ—80Х тракторларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Трактор поездлари ишлаб чиқариши ҳам кескин кўпайиши керак. Қарши ва Жиззах даштларидаги хўжаликлар орзиқиб кутаётган эҳтиёт қисмлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Коммунистлар ўз қарорларида беш йиллик режаларини муваффақиятли бажариш, қишлоққа самарали ёрдам кўрсатиш учун аниқ ҳаракат программасини ишлаб чиқишди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин сўзга чиқди.

А. ПУКЕМОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

• МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

Кўп, сифатли, арзон

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш тўғрисидаги Мактубида шундай дейилади: «Самарадорлик учун фаол кураш олиб бориш— бу маҳсулот сифатини тинмай яхшилаб бориш, унинг техник даражасини, мустаҳкамлиги, чидамлилигини ошириш демакдир».

Ўзаро мусобақадош Октябрь ва Чилонзор районлари саноат корхоналари меҳнаткаллари партиянинг бу кўрсатмаларини жанговар программа сифатида қабул қилдилар. Фақат йилнинг ўн ойи мобайнида ишлаб чиқарувчилар 80 тага яқин буюмни Сифат белгисига тақдим этишди. Бу даврда фахрли белги билан 5 миллион сўмликка яқин маҳсулот реализация қилинди. Бу план топшириғидан анча ортиқдир.

2-пойафзал фабрикаси потоғидан олий сифат категориясига эга бўлган саккиз моделдаги — 220 минг жуфт пойафзал туширилди олинди. Сут ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари савдо тармоқларига банкаларига фахрли беш қирали белги туширилган 136 тонна қаймоқ чиқардилар. Чолғу асбоблари эксперимент фабрикаси коллективи фахрли белгиси бўлган 465 та буюмни буюртмачиларга юборди. Бадиий буюмлар, спорт буюмлари фабрикалари ҳам фахрли белгиси бўлган буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришди. Меҳнат коллективларининг маҳсулот ишлаб чиқаришда ГОСТ талаблари ва техник талабларга риоя қилиш учун қураши маҳсулот сифатини бошқариш ва буюмларни биринчи тақдимда топшириш системасини такомиллаштириш асосида олиб борилаётганлиги меҳнат унумдорлиги янада юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашнинг активлашганлиги натижасидир. Айнан участкаларда жорий этилаётган шу тадбирларнинг йиғиндиси корхонанинг хўжалик фаолиятида юксак ишлаб чиқариш-техника ва иқтисодий кўрсаткичларни кўпга киритиш имконини берялти.

Натижада йилнинг фақат ўн ойи мобайнида завод, фабрика, бирлашма коллективлари икки районда планга қўшимча 10.347 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Бу шу давр учун қабул қилинган мажбуриятдаг и д а н 1.389 минг сўмлик кўпдир.

Меҳнатда чилонзорликлар катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Улар шаҳарда биринчи бўлиб катта маррани эгаллашди — планга қўшимча халқ хўжалиги буюмлари реализация қилиш бўйича йиллик социалистик мажбуриятларини бажаришди. Улар қаторида «Средазгазавтоматика» заводи, сут бирлашмаси, 2-пойафзал фабрикаси, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ўқув ишлаб чиқариш комбинати каби корхоналар бор.

Октябрь районидаги бир қатор корхоналар, жумладан «Ташкентхлеб», «Ташкентпиво» бирлашмалари, мебель тажриба-техника заводи, спорт буюмлари фабрикаси, «Сувенир», чўтка фабрикалари, театр жамияти комбинати планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар.

Яна бошқа нарсани таъкидлаш лозим. Районларда кўпгина бирлашмалар, жумладан «Средазэнерго и в е т мет», «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмалари, спорт буюмлари фабрикаси, чўтка фабрикаси, Ўзбекистон карлар жамиятининг 2-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси йилнинг 10 ойи мобайнида графикдан анча ўзиб кетдилар. Бу уларга беш йилликнинг уч йили топшириқларини ошириб бажариш билан бир қаторда ишлаб чиқаришда зарур технологик замин ҳозирлаб, беш йилликнинг тўртинчи йилида ишни бир маромда ташкил этиш имконини беради.

Бироқ, ҳали ҳамма корхоналарда ҳам иш бир маромда ташкил этилмаган, потоклардан сифати паст буюмлар тушяпти. Бу маҳсулот назорат яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли савдо тармоқларига ҳам чиқиб кетади.

Масалан, тикувчилик бирлашмасини олайлик. Чеварлар йилнинг ўн ойи мобайнида планга қўшимча 1.263 минг сўмлик маҳсулот бердилар, йиллик мажбуриятларини бажаришларга ҳам ос қолди. Бир қарашда рақамлар кўзни қувонтиради. Лекин асосий маҳсулотнинг сифати қандай? Бу ерда камчиликлар кўзга чалинади. Савдо ходимлари йилнинг фақат тўққиз ойи мобайнида 1249 кўйлакни брак қилдилар, 459 кўйлак корхонага қайтарилди, 1646 тасининг сорти пасайтирилди. Жун газлама ва ипакли материаллардан тайёрланаётган буюмларнинг сифати ҳам мутахассисларга маъқул бўлмаяпти.

Тўққизинчи 8-темирбетон буюмлари заводи ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик планни ортиғи билан адо этишди. Қурувчилардан рекламациялар олишмади. Бу корхонада ҳам маҳсулот сифати бир қарашда чакки эмасга ўхшайди. Аслида эса темирбетончилар талайгина буюмларни техник шартларга яхши риоя қилмай тайёрлашяпти.

Савдо тармоқларига ҳамон модадан қолган, аҳолига маъқул бўлмаган буюмларни ишлаб чиқариш «Чевар» тикувчилик бирлашмасида ҳам давом этяпти. 2-пойафзал фабрикасининг айрим буюмларининг сифати ҳам харидорларни қаноатлантирмаяпти. Яна бир нарса диққатни тортади: 8-темир-бетон буюмлари заводи, «Промсвязь», кўн-мўйна заводлари кабн корхоналар маҳсулот таннархини анча қимматлаштириб юборишди.

«Кўп, сифатли, арзон» шиори самарадорлик ва сифат учун курашни кучайтиришни, маҳсулотнинг техник даражасини тинмай оширишни, олий категорияли буюмлар тайёрлашни кўпайтиришни тақозо этади.



СУРАТДА: «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-фабрикасининг бир беш йилликда икки беш йиллик план-топшириқларини бажаришга аҳд қилган илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Тамара Виноградовани кўриб турибсиз. М. Нуриддинов фотоси.

• Илғор тажриба мактаби

280 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛАДИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчи оператори, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Ивановна Чуднянинг республика илғор тажриба мактаби учун икки қаватли бино қуриб битказилди. 23-трестнинг 8-қўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари уни «яхши» баҳо билан топширдилар. Бу ерда машғулотлар учун бешта дарсхона, таълим ускуналари —сут соғиш агрегати, сут ишлаш механизмлари, сепаратор ўрнатилган хоналар бор.

Янги бинодаги машғулотлар декабрнинг дастлабки кунларида бошланади. Мактаб тингловчилари — республика колхоз ва совхозларининг зоотехниклари ва ферма мудирлари учун машғулотларни А. И. Чудная, чорвачилик институтининг олимлари ўтказадилар. Бир йил давомида мактабда 280 киши таълим олади. Ўқувчилар учун ётоқхона қурилган.

Тошкент области (ЎзТАГ).

1978 йилнинг январь— октябрь ойлари кўрсаткичлари

	Октябрь райони	Чилонзор райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,0	104,2
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,3	102,4
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	104,4	109,2
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	102,9	102,7
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	103,1	104,7
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	72,7	53,3
Планни бажармаган корхоналар:	—	—
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	—	3
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	1	1
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процент ҳисобида)	108,4	101,5
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	111,6	114,2
Планни бажара олмадн:		
— цехлар	5	9
— участка ва бригадалар	41	62
— ишчилар	151	144
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь-сентябрь ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	86	73
Турар жойни фойдалаишга топшириш 1978 йилнинг январь-сентябрь ойларида (процентларда)	103	88

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

● ДАЛАЛАРНИ БАҲОРГА ТАЙЁРЛАБ

«Амубухарака н а л-строй» бошқармасининг 4-механизациялашган колоннаси коллективи хўжаликларга 813 гектар, бу йил мўлжалланганидан 80 гектар кўп янги ер топширди. Чўлқуварлар январь ойигача яна 220 гектар ерни фойдаланишга топширишга, шунингдек планга қўшимча 800 квадрат метрдан кўп турар-жой қуришга қарор қилдилар.

● АНОРЗОР ҲОСИЛИ

Қува района ўзининг анорзорлари билан машҳурдир. Бу йил гектаридан 100 центнердан кўп ҳосил олинди. Бу ерда беш йиллик охирига бориб, субтропик ўсимликлар етиштиришдан ихтисослаштирилган совхоз ташкил этиш кўзда тутилган. Анорзорлар хўжаликда икки минг гектар майдонни ташкил этади.

● ЯНГИ УЙЛАР

Янгиқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз деҳқонларидан бир варакайига йигирма оила Гулшан посёлкасида қурилган янги уйларга кўчиб ўтди. «Облколхозстрой» трестига қарашли 48-механизациялаштирилган кўчма колонна шу посёлкани барпо этмоқда. Бу ерда январь ойигача яна 15 оила янги квартираларга кўчиб киради. Гулшанда савдо маркази, болалар боғчаси, клуб, кўпгина бошқа объектларни барпо этиш мўлжалланмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЕТАКЧИЛАРИ

ПРАГА. Шимолий Моравия областидаги социалистик меҳнат ва ишлаб чиқариш илғорлари коллективлари раҳбарларидан 400 дан ортиқ киши Остравада бўлиб ўтган актив йиғилишида қатнашдилар. Улар ўз ишларининг якунларини конкрет тарзда, ишчанлик билан муҳокама қилдилар, областдаги социалистик меҳнат бригадалари аъзолари деярли ярим миллионли армиясининг ва барча меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб чиқдилар.

Мана шу юксак унвонга сазовор бўлган коллективлар ЧКП XV съезди қарорларини, олтинчи беш йиллик план директивларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақада ҳақиқатан ҳам биринчи сафларда бормоқдалар. Кенгашда таъкидлаб ўтилгандек, улар шу йилнинг тўққиз ойи мобайнидагина республика халқ хўжалигига пландан ташқари 500 миллион кронаник маҳсулот бердилар. Социалистик меҳнат бригадалари ҳозирги юксак унумли техникадан, меҳнатнинг илғор усуллари ва методларидан оқилона фойдаланиш намунасини кўрсатмоқдалар. Совет Иттифоқидаги ишлаб чиқариш новаторлари эришган муваффақиятларни кенг қўллаш уларнинг фаолиятида муҳим аҳамият бўлиб қолди.

Олий техника мактаби юбилейи

БЕРЛИН. Карл-Маркс-штадтдаги олий техника мактаби ташкил топганидан бери ўтган чорак аср мобайнида бу мактабда йигирма мингдан кўп олий малакали мутахассис тайёрланди.

Олий техника мактаби ташкил этилган йилда унга 300 ўқувчи қабул қилинган эди. Эндиликда эса 6 мингдан ортиқ студент бу ерда таълим олмоқда. Мактаб республикада шу профилдаги етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлиб қолди, халқаро миқёсда обрў қозонди. У социалистик мамлакатлардаги турдош 14 та политехника институти ва техника мактаблари билан, чунончи, Н. Э. Бауман номидаги Москва олий техника билим юрти, Пльзендаги олий машинасозлик ва электротехника мактаби билан ва бошқа кўп мактаблар билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

Давлат сектори муваффақияти

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон давлат секторининг саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини дадил жадаллаштирмоқда. Шу 1978—1979 молия йилининг биринчи ярмида шундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, деб маълум қилди Ҳиндистон саноат министри Ж. Фернандес, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34 процент кўпайди.

Ҳиндистон мустақиллик йиллари мобайнида экономика соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Бу ютуқлар аввало давлат сектори корхоналари билан боғлангандир. Бундай корхоналар ҳозирги вақтда салкам 300 тага бориб қолди. Бу корхоналар нефть, табиий газ, кўмир, темир рудаси ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, пўлат ва прокат, локомотив ва вагонлар, электрон машина-ускуналари ишлаб чиқаришда. авиасозлик ва кемасозликда, станокозликда етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Ҳиндистонда Ҳиндистон—Совет дўстлиги ойлиги ўтаётган шу кунларда мамлакатнинг таниқли давлат арбоблари ва матбуоти давлат сектори эришаётган ўз муваффақиятлари учун кўп жиҳатдан Совет Иттифоқидан миннатдор эканлигини таъкидламоқдалар. Совет Иттифоқи давлат секторини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ҳар томонлама ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда СССР иштирокида салкам 70 та саноат объекти қурилди ёки қурилмоқда. Бундай объектлар орасида миллий саноатнинг байроқдорлари — Бокаро ва Бхилайдаги металлургия комбинатлари. Матхур, Барауни ва Койлидаги нефтни қайта ишлаш корхоналари, Хардвардаги оғир электр ускуналари заводи, Дургапурдаги кон—шахта ускуналари заводи, Ранчидаги оғир машинасозлик заводи бор. Бу корхоналар Ҳиндистонда миллий кадрлар тайёрлашнинг чинакам масканн бўлиб қолди. Ҳинд ишчилари, инженерлари ва техникларидан юз мингдан кўпроқ киши ана шу корхоналарда, шунингдек Совет Иттифоқида тайёргарликдан ўтдилар.

Дўстлик мустаҳкамланади

ХАНОЙ. Жаната Парти бош секретари Мадху Лимайе бошчилигида бу ерга келган Ҳиндистон - Вьетнам дўстлиги жамиятининг делегацияси Вьетнам журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди. Делегация аъзолари номидан Мадху Лимайе ВСРга қилинган визит якунларидан мамнуният изҳор этди ва сидқидилдан дўстона кутиб олганлиги учун Вьетнам халқига самимий миннатдорчилик билдирди.

Визит вақтида бўлиб ўтган учрашувлар, суҳбатларда ва мамлакат бўйлаб қилинган сафарда биз Вьетнам халқининг ажойиб мардлиги намуналарини кўрдик, юксак меҳнат ғайрат-шижоатини сездик, деди М. Лимайе.

Биз, деб ўқтирди Лимайе, Вьетнамнинг ташқи муносабатлар соҳасидаги катта қийинчиликларини тушунамиз. Ҳиндистон мустақилликка эришган пайтдан бошлаб биз ҳам оғир синовларга дуч келганмиз, шу сабабли ВСРнинг барча низоли масалаларни тинчликсеварлик руҳида, принципиал ҳал этиш йўли самимийлигига ишонамиз.

Пировардида М. Лимайе Ҳиндистон-Вьетнам дўстлигининг мустаҳкамлигига ишончи комил эканлигини айтди.

МОЗАМБИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ АВАНГАРДИ

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти. Фрелимо партиясининг раиси Самора Машел бу ердаги оммавий митингда сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: Фрелимо партияси Мозамбик меҳнаткашлари қўлидаги қудратли қуролдир, меҳнаткашлар республикада социализм асосларини барпо этиш учун курашда шу қуролдан фойдаланмоқдалар. Халқимиз партияни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш йўли билангина очарчилик, қашшоқлик, саводсизлик ва касалликларни тугата олади, социалистик жамият қура олади, деб уқтирди у.

Фрелимо партиясига янги аъзолар қабул қилиш юзасидан шу йил февраль ойида бошланган умуммиллий кампания — меҳнаткашлар оммасининг снёсий ва синфий онгини оширишга ёрдам берди, деб таъкидлади МХР президенти. Марксизм-ленинизм Мозамбикдаги тобора кўпроқ меҳнаткашларнинг дунёқараши бўлиб қолмоқда.

С. Машел партия аъзоларини ҳушёр бўлишга, Фрелимо партияси сафларига халқ душманларининг суқулиб кириш йўлидаги уринишларини даф қилишга чақирди, халқ душманлари партия бирлигига путур етказишга, Мозамбикнинг социалистик ривожланиш йўлидан боришига халақит беришга уринаётганларини айтди.

ОЛДИНГИ САФДА

ЛУАНДА. МПЛА — меҳнат партияси Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси Ангола меҳнаткашларига мурожаат қилиб, МПЛА — меҳнат партиясининг бир йиллигини жипсликни мустаҳкамлаш билан кутиб олишга чақирди. Ангола радиоси орқали эшиттирилган баёнотда айтилади, партия тузилганидан бери ўтган қисқа муддат ичида (1977 йилнинг 10 декабридан бери) туб иқтисодий ва социал ўзгартиришлар ўтказишда сезиларли тараққиётга эришилди.

Претория ирқчи режимининг Ангола бостириб кириш мақсадида ҳеч тўхтамаётган игвогарлиги ва дўқлари, Намибия ва Зимбабве ҳалқларининг мустақилликка эришишларига тўсқинлик қилаётган империалистик кучларнинг найранглари деб таъкидланади Сиёсий Бюронинг баёнотида. Африка жанубини узил-кесил озод этиш жараёнига халақит беришга, Анголадаги прогрессив ўзгартиришларни тўхтатишга қаратилгандир. Бу эса партия зиммасига революцион ҳушёрликни бўшаштирмаслик, революцион ғалабаларни ҳимоя қилишга шай бўлиб туришни кучайтириш вазифасини юклайди.

ЮКСАК ЎСИШ СУРЪАТИ

ЖАЗОИР. Миллий саноатни ривожлантириш масалалари Жазоир ҳукуматининг диққат марказида турибди. 1976 йилда кучга кирган миллий партия индустриялашни мамлакат иқтисодий ва социал ривожининг муҳим омили деб эълон қилди. Бу соҳада мустақиллик йилларида барпо этилган давлат компаниялари Жазоирнинг миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Экономиканинг энг муҳим тармоқлари давлат ихтиёрига олиниши туфайли ҳукумат мамлакат саноатидаги давлат секторининг улушини 90 процентга етказишни таъминлади. Ишлама саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ҳозир йилига 15 процентга, қурилишда 20 процентга етди.

Мамлакатда меҳнат қуроллари, техника ва транспорт воситалари ишлаб чиқаришга доимий эътибор берилмоқда.


Жазоир миллий саноатини ривожлантиришдан кузатилган бош мақсад — мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Аммо саноат маҳсулотини экспорт қилишни кенгайтириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

Жазоир халқи мустақил экономикани ривожлантириш орқали мамлакатда юксак даражада ривожланган индустриал жамият қуришга қаттиқ бел боғлаган.

Сўнгги йилларда шаҳримизда қад кўтарган Тошкент медицина институти турар-жой шаҳарчаси кун сайин обод ва кўркамзор бўлиб бормоқда. Бу ерда қурувчиларимиз томонидан бунёд этилган осмонўпар бинолар кишн диққатини ўзига жалб этади. Шунингдек массив да студентларга қулайлик яратиш учун кўплаб ётоқхоналар ҳам бунёд этилган.



СУРАТДА: ТошМИ турар-жой шаҳарчаси микрорайонларидан бири тасвирланган. И. Глауберзон ва В. Сиротинин фотоси.



● ЛОЙИҲА УСТАХОНАСИДА

ЎҚИТУВЧИЛАР УЙИ

«Тошгипрогор» институти мутахассислари Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги бинолари комплексининг лойиҳаларини яратишди.

— Комплекс 1979—1980 йилларда Ново-Узбекистанская кўчасида қурилади,— деди лойиҳанинг бош архитектори А. Корешков.— У ўқитувчилар уйи, ёш техниклар, натуралистлар, туристлар станцияларидан иборат бўлади.

Ўқитувчилар уйида мажлислар, семинарлар ўтказиш билан бирга, муаллифлар ўз малакаларини ошириш-лари мумкин. Уларга турли кино ва фото лабораториялар, шахмат-шашка ва бошқа секциялар хизмат кўрсатади. Комплексда 40 минг китобга эга бўлган кутубхона ҳам бўлади. Шинам кафеда дам олиш ва тамадди қилиш мумкин. Бинонинг иккинчи қаватида 500 ўринли томоша зали жойлашади. Иншоотнинг интерьерларини кошинкорлик панноларн, мисга ўйиб ишланган суратлар ва халқни билим олишга интилишини кўрсатувчи панноларн безайди. Хоналарни жилолашда ёғоч, сунъий тери, безакли ва кошинли плиталардан унумли фойдаланилади. Бинонинг ташқи томони мармар ва гранит билан пардоз қилинади.

Комплекс атрофидаги майдон ободонлаштирилади. Кўкаламзор зонада кичик архитектура шакллари, фонтан ва бассейнлар қурилади.

СУРАТДА: ўқитувчилар уйи комплексининг макети.

Х. Мирзакаримов фотоси.

● ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Парҳез таомлари тайёрланади

Ҳозир Октябрь район ошхоналар трестида юздан ортиқ кафе ва ошхона бўлиб унда 1600 дан ортиқ ошпаз ҳар куни юз мингдан ортиқ хўрандалар хизматида бўлмоқда. Ҳа-демай Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида районда ягона ҳисобланган 150 ўринли парҳез таомлари тайёрлайдиган кўркам ошхона фойдаланишга топширилади.

Бу ўзига хос кенг ва ёруғ ошхона қурилишини 8-трестнинг 4-қурилиш монтаж бошқармаси бунёдкорлари ҳамшаҳарларимизга ҳадя этишди. Янги парҳез таомлари ошхонасида хўрандалар учун барча қулайликлар яратилиб, ярим тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи бўлим ҳам бўлади.

Яқинда Халқлар дўстлиги проспектида қурилаётган йирик кинотеатр-концерт залини бунёд этаётган қурувчилар учун ҳам қулайлик яратилди.

Проспект кўркамлашмоқда

Яқинда Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектини бошланишида иккита тўқкиз қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилган эди. Ана шу бинонинг биринчи қавати ёнида «Таштранс-агентство»нинг янги биноси қад кўтарди. Бу ерда ҳамшаҳарларимиз учун бир қанча бюролар хизмат кўрсатади.

Ана шу ердаги Абай кўчасида эса янги универсам магазини қуриб битказилмоқда. Октябрь районидаги энг йирик озиқ-овқат магазинларидан ҳисобланган бу ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи магазин йил охирига қадар фойдаланишга топширилади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. НИЗОМОВ: Мен ҳозир малака ошириш курсида таълим олямман. Яқинда бетоб бўлиб қолдим. Айтингчи, касаллик варақамга қандай асосда нафақа тўланади?

Жавоб: Амалдаги қоидага биноан малака ошириш мактабларида ва курслари, бошқа касб ўрганиш ва кадрлар тайёрлаш мактабларига ўқишга кириш олдидан бевосита ишчи ва хизматчи лавозимида ишлаган ўқувчилар бетоб бўлиб қолган кунлари учун умумий асосда нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ўқувчиларга ўқиш муддати учун тайин этилган маош ҳисобидан нафақа тўланади. Нафақа тайинланаётганда уларнинг олаётган стипендиялари ҳисобга олинмайди.

* * *

С. ГУЛОМОВА: Мен ҳам, қўшним ҳам тўрт болали она ҳисобланамиз. Аммо қўшним 45 ёшда пенсияга чиқди. Мен эса 47 ёшга тўлган бўлишимга қарамасдан пенсияга чиқаришмаяпти. Ложи бўлса шунинг сабабини тушунтириб берсангиз.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра беш ёки ундан зиёд фарзанд кўриб, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналарга 50 ёшдан кексалик пенсияси тайинланади. Бунинг учун шу аёл кам деганда 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши лозим. Шунингдек, беш ёки ундан зиёд фарзанд кўриб, уларнинг саккиз ёшгача тарбиялаган баъзи оналарга 45 ёшда ҳам кексалик пенсияси тайинланиши мумкин. 7,5 йил ер остида, меҳнат шароити зарарли ҳисобланган иссиқ цехларда ишлаган оналар ана шундай ҳуқуққа эгадирлар. Қўшнингиз худди шундай шароитда ишлаган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам унга 45 ёшида кексалик пенсияси тайинланган.

* * *

А. САЛИМОВА: Институтни тугатганимдан кейин менга корхонада ишлаш учун йўлланма берилди. Лекин ҳомиладорлик отпускасига чиққанлигим учун ишга ўз вақтида тушолмадим. Айтингчи, ҳомиладорлик отпускам учун менга ҳақни олий ўқув юрти тўлайдими ёки ўзим ишлаш учун юборилган корхонами?

Жавоб: Олий ва ўрта махсус таълим юртлари, аспирантурани битириб министрликлар ҳамда халқ депутатлари Советларининг йўлланмаси билан ишга юборилган ёш мутахассислар бетоб бўлиб қолган ёки ҳомиладорлик отпускасига чиққан тақдирда уларга ишга тушиши лозим бўлган кундан бошлаб нафақа тўланади.

Нафақа миқдори ёш мутахассис тайинланган лавозим бўйича олиши лозим бўлган оклад, ойлик маошни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ишга юборилган ёш мутахассисларга нафақани корхона, муассаса тайинлайди ва тўлайди. Винобарни, сиз ҳам ўзингиз ишга юборилган корхонага касаллик варақангизни топшириб, нафақа олишга ҳақлисиз.

Мархабон ибн Рустам БОВАНДИЙ

● *Қадимги ҳикоятлар*

„МАРЗБОННОМА“

Ўгит-насиҳатомуз ҳикояларни ўз ичига олган ушбу асар XI асрда Табаристонда маҳаллий тилда назм билан ёзилган бўлиб, XIII асрда Муҳаммад ибн Ғозий Малатавийнинг ғарбати билан форс тилига насрий таржима қилинган.

Қуйида ушбу асардан уч ҳикояни эркин таржимада оқшомхонлар диққатига ҳавола қиламиз.

Суворий билан чопонфуруш

Кунлардан бир куни чопонфуруш бир ҳафта ичида тикилган буюртма чопонларни бир бўҳча қилиб сотиш учун қишлоқ томон йўл олди. Йўлда у бир отлиққа дуч келди. Чопонфуруш юкнинг вазминлиги, бунинг устига кунниг ўта иссиқлигидан тинкаси қуриган эди, отлиққа ёлворди: «Э, биродар, кўп саховатли одам кўринасан. Кун иссиқ, йўл йироқ, юким эса вазмин. Уни бирон соат отингга ўнгариб ололмайсанми?» Суворий жавоб қилди: «Муҳтожнинг ҳожатини чиқариш савоб иш, буни яхши биламан. Аммо нотаниш кишининг юкини олиб юриш кўп вақт ёмон оқибатларга олиб келганлигини ҳам биламан. Мендан хафа бўлма, биродар. Бугун жойингга аро киролмайман».

Шу пайт уларнинг олдидан бир қуён чопиб чиқди. Суворий ҳеч нарсага қарамай отини қамчилади ва қўённи қувиб кетди. Шунда чопонфуруш: «Яхшики у илтимосимни рад қилди, йўқса бўҳчадан ажраб қоларканман», деб қувонди. Отлиқ эса қўённи кўп вақт кувлади, лекин тутолмади. Бир ерда тўхтаб ўз-ўзига деди: «Мўмайгина ўлжа қўлимга тушган эди, у қочмас, деб аввал қўённи тутмоқчи бўлдим. Мана оқибат нима бўлди: Қўёндан ҳам ажрадим, бўҳчадан ҳам. Охири бўҳчани қўлдан чиқаргиси келмади ва орқага қайтди. Узоқдан ичиллаб келаётган чопонфуруш кўринди. Суворий: «Ҳайрият, ўлжа қўлдан чиқмабди», деб суюнди ва отига қамчи урди. Чопонфурушнинг олдига етгач, унга тавозъе билан «Қани биродар, бўҳчангни бер, манзилингга элтиб қўяман» деди. Шунда чопонфуруш: «Йўқ, биродар, сен нимани ўйлаб турган бўлсанг, мен ҳам ундан гофил эмасман», деб жавоб қилди ва йўлида давом этди.

Сичқон билан илон

Бир вақт сичқон бадавлат бир кишининг омборига ин қурди ва у ердан бочага йўл очиб олди. Шу тариқа у кўп вақт тиришчилик ташвишини чекмай шоду-хуррамлик билан кун кечирди. Кунлардан бир куни ўша бочада катта бир илон пайдо бўлди ва кўп ўтмай сичқон ясаган йўл орқали омборга кириб олди. Илон омборда тахланиб ётган қопқоп дон, инга терилган сур тўштлар, мис кўзалардаги лиммо-лим ёғлар ва бошқа нознеъматларни кўриб: «Боғи эрамга кириб қолдим шекилли», деб ич-ичидан қувонди. Сўнг уларнинг ҳаммасидан тановул қилиб олди ва бир бурчакка бориб кулча бўлиб ётди. Бир вақт сичқон инига қайтди ва кўзи илонга тушиб юраги ёрила ёзди. Бир оз ўзига келгач, ўзига-ўзи деди: «Кўндан ҳузур-ҳаловатда кун кечирар эдим. Энди бу кулфат бошимга қай гўрдан келди». Сўнг: Бу менинг бировнинг ҳақига хиёнат қилиб юрганимнинг оқибати бўлса керак», деб ўйлади.

Охири онасининг олдига борди ва юз берган воқеани унга бирма-бир айтиб берди. Она сичқон деди: «Ҳар ким ўз ошёнида азиз, сен бўлсанг борига қаноат қилмай осон тиричилик пайига тушдинг. Мана, оқибатини ўзинг кўриб турибсан. Маслаҳатим шулки, энди зинҳор ўша омборга бора кўрма, акс ҳолда ҳаётингдан ажраласан». Лекин сичқон онанинг сўзларини қулоққа олмади, яна ўша омборга борди. У ҳатто бу гал укасини ҳам етаклаб кетди. Афсуски, у илонинг домига дучор бўлди, укаси эса бир илож қилиб қутулиб қолди ва омбор четида бир қошинг остига яширинди.

Кунлардан бир куни илон боғчага чиқди ва ўзини офтобга солиб ётиб ухлаб қолди. Сичқон илонни бир оз пойлади ва шинамгина бир сўри томон чопди. Боғбон ўша сўрида донг қотиб ухлаб ётган эди. Сичқон ўрмалаб сўрига чиқди ва боғбонниг кулоғига тегиб ўтди. Боғбон уйғониб теварак-атрофга кўз югуртирди, лекин бирон нарсани кўрмади ва яна ухлаб қолди. Сичқон бу гал унинг оёғига тегиб ўтди. Боғбон яна уйғонди, лекин бу сафар ҳам атрофида бирон нарсани кўролмади ва яна уйқуга кетди. Бу ахвол бир неча бор такрорланди ва ниҳоят у тинчлигини бузаётган ўша сичқонни кўрди ва кетмон олиб, уни қувиб кетди. Сичқон эса бир тешикка кириб ғойиб бўлди. Шу вақт боғбонниг кўзи ухлаб ётган илонга тушди ва уни тилка-пора қилиб ташлади.

Б. АҲМЕДОВ тайёрлаган.

БИР ШИНГИЛДАН

● Қиш пайтида Москва ва Ленинград ўртасидаги масофа ёздагига нисбатан 300 метрга қисқаради. Бунга сабаб шуки, паст ҳарорат туфайли темир йўл ишлари қисқаради. Худди шундай сабабга кўра Париждаги Эйфель минораси қишда ёздагига нисбатан 15 сантиметр пастроқ бўлади.

● Дунёда чорва молларининг кўплиги жиҳатидан Ҳиндистон биринчи, Эрон иккинчи, Япония эса учинчи ўринда туради.

● Ўзбекистонда қирқ асрдан бери қовун етиштирилади. Самарқанд табиатшунослари қадимдан маълум аъло нав қовунларнинг барча турларини тиклаш ниятида коллекция туза бошладилар. Ҳозир коллекцияда 2000 нав бор.

● Тожикистонлик мутахассислар анорнинг янги навини яратдилар. Бу нав анорнинг доналари юмшоқ, сершарбат, дони эса шундай юмшоққи, еганда уруғи борлиги ҳам билинмайди. Янги навни кўплаб етиштириш учун Бахш тажриба станциясида кўчатхона ташкил этилди.

▲ ОҚШОМ НАСИБАСИ

Ёнғоқли варақи сомса

Хамирини «варақи сомса» усулида тайёрлайсиз. Қиймаси эса ёнғоқ ва майиздан тайёрланади. Ёнғоқ магазини теріб, яхши ювилган майиз билан бирга мясорубкадан ўтказилади. Бўлса пича чарви ёғ, бўлмаса жиза қўшиб яхшилаб аралаштирилгач, ҳар бир жилдга бир қошиқдан солиб уч бурчак, тўрт бурчак ёки юмшоқ шаклда сомса тугилади. Сомсани тандирда ёки патнисда ёғланган газ духовкасида пиширилади. Чройли чиқсин учун юзига йиланган тухум суркалади.

МАСАЛЛИҚ: бир кило оқ ун, икки стакан сув, икки чой қошиғида туз. Хамир ораларига суртиб қатқат қилиш учун 150 грамм сарёғ ёки маргарин керак бўлади. Қиймасига — бир кило ёнғоқ, 250 грамм майиз, 150 грамм чарви ёғ ёки бир стакан жизза олинади.

К. МАҲМУДОВ.



● *Биласизми?*

СУЗИБ ЮРУВЧИ МУЗЛИ ОРОЛЛАР

Қор ва муз ҳукмронлик қилиб турган Шимолий Муз океанида катта ва кичик танқилик «ер» оролларидан ташқари, яна музли ороллар ҳам мавжуд. Бундай ороллар кўпчилик саёҳатчиларни нотўғри фикрга олиб келган. Чунончи, «Санников ери» ва бошқа кўпгина сохта оролларнинг тўғрисида фикр юритилиши бунинг далилидир.

Биринчи бор Шимолий Муз океанида музли оролларнинг борлиги ҳақидаги хабарни 1940—1950 йилларда совет учувчиларидан И. И. Черничний, И. С. Котов, И. М. Мазурук ва В. М. Перовлар тайёрлашган. Улар баъзида майдони ҳаттоки 700 квадрат километр келадиган музли оролларни кузатишган. Буларнинг оддий оролларданги сира фарқи йўқ деса бўлади. Улар устида ҳам водийлар, жарликлар ва ҳаттоки дарёларни учратиш мумкин.

Музли оролларнинг хусусиятларидан асосийси, уларнинг сузиб юришидадир. Музли оролларнинг денгиз юзасидан 10—15 метрга кўтарилган бўлиб, суткасига икки километргача силжиши мумкин. Олимларимиз уларнинг бу хосиятидан амалий фойдаланишяпти. Шу жумладан, 1956 йили Врангель оролидан шимолроқда жойлашган музли ороллардан бирида совет қутбчилари «Северний полюс —6» сузиб юрувчи илмий-тадқиқот станциясини қурдилар. Арктика тадқиқотчилари уч йил давомида, шу жумладан Халқаро геофизик йилни шу сузиб юрувчи музли оролда ўтказишди. «СП-6» станцияси жойлашган оролнинг умум майдони 117 квадрат километрга тенг бўлиб, 13 километрга чўзилган эди. Бу оролнинг сув юзасидан ўртача баландлиги 85 метрга тенг бўлиб, баъзи ерларда 160 метрга кўтарилган эди. Музли орол Шимолий Муз океанида тўрт йил сузиб юрди. Шу давр ичида орол шарқдан ғарбга сузиб, Гренландия ва Шпицберген оралиғидаги бўғоздан ўтиб, сўнг эриб кетди.

А. АКБАРОВ,
географик фанлари кандидати.


● *Дам олиш соатида*

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Алишер Навоийнинг «Хамса» асари достонларидан бириданги образ. 6. «Шоҳнома»нинг муаллифи. 9. Осмон жисмларидан бирининг номи. 10. Дурадгорлик асбоби. 13. АҚШ космик кемаси. 14. Олий техника маълумотига эга бўлган мутахассис. 15. Келажакнинг ёқилғиси бўлган газ. 17. Таниқли ўзбек кинорежиссёри. 18. Иттифоқдош республика пойтахти. 20. Ўсимлик — чорва озуқаси. 21. Куёшни ҳам ўз ичига олган юлдузлар системаси. 22. Халқ шоири, достончи.

БЎЙИГА: 2. Ўзбекистондаги область марказн. 3. Сабзавот. 4. Суюқлик ўлчов бирлиги. 5. Перу давлати пойтахти. 7. Миллий музика асбоби. 8. Ленинград областидаги шаҳар. 11. Эстониядаги дарё. 12. Қадимий транспорт воситаси. 16. Рассомлик жанри — кўриниш, манзара. 17. Ўзбек халқ эртаги. 19. Радиоактив элемент. 20. Спорт турн.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**



7 НОЯБРДАГИ «ЖУМБОҚЛИ КРОССВОРД» ЖАВОБЛАРИ

Бўйига: 1. Чкалов. 2. Хасаки. 3. Фартук. 4. Плакат. 5. Бамако. 6. «Пионер». 7. Чумоли. 8. «Эфория».

Соат стрелкаси йўналиши бўйлаб: 9. Асал. 10. Сатр. 11. Карт. 12. Кама. 13. Нома. 14. Омон. 15. «Ором» . 16-номерда Виктория сўзи келиб чиқади. Африкадаги шаршара ва кўл, Америкадаги орол, Австралиядаги катта чўл шу ном билан аталади.

11 НОЯБРДАГИ «ЦИКЛОКРОССВОРД» ЖАВОБЛАРИ

1. Астрономия. 2. «Крокодил». 3. Радиограмма. 4. Марварид. 5. «Фарзандлар». 6. Таржимон. 7. Карнавал. 8. Номданак. 9. Математика. 10. Покистон. 11. Сулаймонова. 12. Гулистон. 13. Магнитафон.

«Шанба оқшоми» саҳифасида босилган кроссвордларга Б. Ҳалилов, А. Ғуломов, А. Вахобов, А. Шукуров, Қ. Акрамова, Ҳ. Мухиддинов, З. Мавланов, И. Абдуғаффорова, М. Холматова, Қ. Мадазимов, Д. ва М. Корабоевалар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Редакция хат йўллаган оқшомхонларга ташаккур билдиради.

Яқинда Қирғизистонда Польшанинг «Текстильимпэкс» ва «Скуримпэкс» саноати ва ташқи савдо бирлашмалари вакиллари бўлишди.

Польша Халқ Республикасининг тўқимачилик ва пойафзал маҳсулотларини намойиш қилувчи бу бирлашмалар чорак асрдан бери Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишади. Ҳар йили улар ўз харидорлари талабини ўрганиш учун учрашувлар ташкил этишади. Бу гал мана шундай учрашув Фрунзе шаҳрида ўтказилди.

«Айчурек» Марказий универмагининг намойиш залида келгуси йили Польша Халқ Республикасидан бизнинг мамлакатимизга кўплаб келтириладиган трикотаж маҳсулотлар ва пойафзаллар коллекцияси кўрги ўтказилди.

СУРАТДА: Польша маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

ТАСС фотохроникаси.



▲ БАХТЛИ ТАСОДИФ

Мушукнинг «туртки»си

1811 йили француз химиги Бернар Куртуа ўз лабораториясида одатдаги тажрибасини ўтказарди. Унинг олдидаги столда икки идиш турарди, бирида денгиз сув ўтлари кулининг спиртли настойи, иккинчисида эса сульфат кислота эди. Бу вақт олимнинг елкасида севган мушуги ўтирарди. Мушук тўсатдан стол устига сакраб тушганда, ҳар иккала идиш чилпарчин бўлади. Шунда идишлардаги суюқликлар бир-бирига қўшилиб, ҳонани кўк-гунафша ранг буғ булутдек қоплайди. Янги элемент — йод шу тарзда кашф этилган эди.

Куртуа кейинчалик Франция фанлари академиясидан бу ихтироси учун 6000 франк мукофот олди. Олим мушутини нима билан хурсанд қилган экан, афсуски, буни ҳеч ким билмайди.

☆ ҚУЛАЙЛИКЛАР АДРЕСИ

ГУЛЛАР БУЮРТМА ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИ

Ҳозир шаҳримизда «Тошкент гуллари» улгуржи чакана савдо идорасининг 15 та магазини ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлмоқда.

Яқинда ана шу идора ҳамшаҳарларимизга яна бир қулайлик яратиб тўй маросимлар учун олдиндан буюртмалар жорий қилишни йўлга қўйди. Хамшаҳарлар и м и з «Правда Востока» кўчасидаги Театр майдонига жойлашган марказий гул магазинига мурожаат қилишлари ёки 56-85-78 телефонига икки кун олдин қўнғироқ қилиб истаган гулларини олиш учун олдиндан буюртма беришлари мумкин.

Илмий лабораторияларда

«МИТТИ ЗАВОД»

Маълумки, алкалоидлар ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган бўлиб, улар айниқса жанубий мамлакатларда ўсадиган ўсимликларда кўпроқ учрайди. Шу жумладан, Ўрта Осиё ўсимликлари олами ҳам алкалоид моддаларига жуда бой. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари химияси институтида аниқланган алкалоидлар соф ёки сунъий ҳолда илмий медицинада дори-дармон сифатида қўлланмоқда. Ҳозирги вақтда институтнинг ўн бешта лабораторияси бўлиб, уларга фан докторлари, профессорлар раҳбарлик қилишади.

Тажриба-ишлаб чиқариш лабораторияси эса ўсимликлардаги алкалоид моддаларини ажратиб олиш методлари, технологияси, назарияси билан шуғулланади. Бу лабораторияни ўзига хос «митти завод» деса бўлади. Бу ерда фармацевтика заводига хос ҳамма асбоб-ускуналар, таблеткалар, ҳатто ампулага дори қуйиш асбоблари ҳам бор. Ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоид моддаларидан дори формаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ишларида Х. Комилов, Қ. Абдуллаев, М. Тиллаев, Ш. Содиқова каби илмий ходимлар шуғулланишмоқда.

Институтда яратилган дори-дармонлар орасида неврит, гипертония, юрак ва бошқа касалликларни даволашда қўлланаётган препаратлар бор.

Институтнинг дефолиантлар химияси лабораториясида пахтаси ингичка толали гўза навларига мўлжалланган бутилкаптакс препарати яратилди. У ҳозирги вақтда гўза баргини тўкишда қўлланилаётган бутифозга қараганда 40 марта заҳарсиз бўлиб, гўза баргларини ҳўл пайтидаёқ қийғос тўкади. Натижада терилган пахтани барглардан тозалашга ҳам ҳожат қолмайди. Бу препарат одам ва ҳайвонга зарарсиз ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда олимлар инсон учун фойдали янги ўсимлик навлари, микроблар ва бошқаларни яратиш устида қизғин иш олиб боришмоқда. Бу ерда инсонни ирсий касалликлардан халос этишнинг самарали усуллари яратилмоқда. Жонли табиат сирларини очиш йўлидаги бу кенг тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўсимлик моддалари химияси институтининг аҳил коллективи муҳим ва шарафли иш олиб бормоқда.

Т. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари химияси институтининг илмий ходими, биолог.

«Зангори кема» ва китоб

Пахтакорларни бирлаштирган китобсеварларнинг клуби «Зангори кема» деб аталади. Клуб эмблемасида китоб ва пахта терадиган машина ёнма-ён акс эттирилган. Бу клуб Андижон области, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозида тузилди. Ана шу бақувват хўжалик ўзининг маданий муассасалари билан ҳам машҳурдир. Бу ерда саккизта умумий таълим мактаби, иккита кинотеатр бор. Совхоз кутубхоналарида 46 минг том китоб тўпланган бўлиб, ҳар бир кишига бештадан тўғри келади. Бу жамоат китоб фондларининг ўзи халос. Бундан ташқари совхозда Қориевлар, Зотовлар, Холиқовлар, Камоловлар сингари анчагина оилалар борки, уларнинг шахсий кутубхоналарида минг томдан зиёдроқ китоб жамланган.

Бу ерда китобга меҳр қўйишган. Китобга бўлган бу муҳаббат ҳар бир хонадонда, ҳар бир уйда тобора кўпрок янги-янги китобларни тўплашга ёрдам бермоқда. «Зангори кема» клуби ўзида 32 китобсеварни уюштирган. Уларнинг ҳар бири жуда кўп китоб ўқиган, китобларни пропаганда қилиш билан боғлиқ анчагина қизиқарли ишларни бажарган.

Клуб аъзолари совхознинг марказлаштирилган кутубхонаси билан биргаликда «XXV съезд қарорларини амалга оширамиз», «Биз тинчлик тарафдоримиз», «Пахта — ифтихоримиз», «Революция дохийси», «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидан тематик кечалар ўтказишди.

Бу кечалар кутубхонада, шунингдек кўчма кутубхоналар очилган пахтачилик бригадаларининг дала шийпонларида ўтказилди. Бунинг натижаси яққол кўриниб турибди: совхоз кутубхонасининг фондидан фойдаланадиган актив китобхонлар 120 кишидан ҳам ортиб кетди. Шавкат ва Шуҳрат Бобохоновлар, Одина Тожибоева, Гулбахор, Зулхумор ва Мухтасар Болтабоевалар, Надежда Шурко ва совхоздаги бошқа кўпгина ишчилар йил мобайнида ўттиз-қирқтадан китоб ўқишга улгуришди.

Бу ерда китобни шундай ўқиб чиқиш билангина қифояланиб қолишмайди. Бир-бирлари билан фикрлашадилар, оғзаки журналлар чиқаришади, ёзувчилар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан, фан ва санъат арбоблари билан учрашиб турадилар. Бу ерда ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романига бағишланган китобхонлар конференцияси ҳам ўтказилди, шоир А. Абдураҳмонов билан ҳам, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маматкодиров билан ҳам учрашувлар, пушкинхонлик ва толстойхонлик кунлари ўтказилди.

Клуб иштирокчилари ҳозир жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхона тузишни ва уни ўз ҳамқишлоқ қ л а р и, Днестр дарёси соҳилидаги номсиз тепаликда ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Ёқубов номи билан аташни мўлжаллаб турибдилар. Қаҳрамоннинг ҳамюртлари тўпланган адабиётлар «Зангори кема» ва китоб ҳамдўстлигида вужудга келган ана шу янги китобхонага негиз бўлади.

Совхоз клуби — Ўзбекистонда тузилган китобсеварларнинг ўн мингта бошланғич ташкилотидан бири. Китобсеварлар республика жамиятида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича ҳозир бу жамият қарийб 550 минг кишини бирлаштириб турибди. Уннинг беш йиллик охирига келиб жамият аъзолари бир миллион 400 минг китобсеварга етади.

(ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Шу йил 20 ноябрь соат 18.30 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг Сиёсий маориф уйида халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар доимий семинарининг навбатдаги йигилиши бўлади.

Унда фалсафа фанлари кандидати Б. И. Кононенко «Ҳозирги босқичда идеологик курашнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида лекция ўқийди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет ОҚШОМИ

18 НОЯБРЬ, 1978 й.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

20 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Кичкинтой ва Карлсон». Мультфильм. 10.15 «Дўстим, Колька». Бадиий фильм. 11.40 «Ҳайвонот оламида». 15.00 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 15.55 «Корней Чуковский ижоди. 16.40 «Онамларнинг мактаби».

17.10 «Комсомольская правда» газетасининг совғаси учун ГТО кўпкураши бўйича СССР чемпионати. 17.45 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари Г. Д. Онуфриенко, П. Г. Якубовский, О. Н. Смирнов, М. Д. Цикин билан учрашуви.

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Учинчи йил — зарбдор йил». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Беков олиб боради. 19.25 Совет Армияси Марказий академик театри «Васса Железнова» фильм-спектаклининг премьераси. (М. Горький пьесаси). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 22.30 Эркин кураш бўйича СССР кубоги учун. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 23.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Девор». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник». 18.45 «ЭСКАТО БМТ». Ўрта Осиё ва Тинч океан мамлакатлари қишлоқ хўжалигини электрлаштириш муташассисларининг халқаро семинари (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Фарғона область Бувайда район Маданият уйи мақомчилар ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 Ж. Верди. «Травиата». Самарқанд опера ва балет театрининг спектакли. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак». Болалар учун мультфильм. 19.10 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

21 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари Г. Д. Онуфриенко, П. Г. Якубовский, О. Н. Смирнов, М. Д. Цикин билан учрашуви. 10.10 М. Горький. «Васса Железнова». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли. 15.00 «Венгрия бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.35 «Композитор Д. Шостакович». 16.20 «Спорт классн».

17.05 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 17.40 «Ешлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. 19.30 Литва ССР халқ артисти Э. Канява куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 20.05 «Электр энергиясини тежанг». Кўрсатувни «Одессаэнерго» бирлашмасининг Бош директори В. И. Корсуненко олиб боради. 20.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Евгений Мравинский дирижёрни қилади». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Олимпия мўжизалари». Ҳужжатли фильмлар. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «А. Грибоедов. «Ақлдан балоси». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. (рус.). 12.00 «Асос». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Абдулла Қаҳҳор» — етук прозаик». Адабиётдан ўқув кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Типа ақлдан чиқди». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол!». 18.40 «Феруза». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 «Миллионлар дениче университети». «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ленинча стратегияси ва тактикаси». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбектелефильм-78». Кинокўрсатув (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг республикада хизмат кўрсатган артист И. Бўронов раҳбарлигидаги халқ ансамбли концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор» — мардлар майдони». 22.15 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» — «Шахтёр» (Прокопьевск). «Юбилейный» Марказий спорт залидан репортаж. 3-давр ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «24—25 қайтмаяпти». Бадиий фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

22 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Москва ҳайвонот боғида». 10.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 15.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Е. Монсеенко. 16.20 «Москваликларнинг ишчи кафолати». 16.50 Гитарачи Диего Бланко чалади. (Испания). 17.30 «Фан оламида». «Сибирь потенциали».

18.00 «Горничлар, қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Л. Толстой — болаларга». 19.05 СССР халқ артисти Н. Ткаченко концерти. 19.40 «Вазнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 20.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ада бий мерос. Михаил Булгаков». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни автор — К. Симонов олиб боради. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Телевидениенинг физик асослари». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Давр ва шаҳар». Озарбайжон каучуги». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Телевидениенинг физик асослари». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ҳикоя бошланади». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ҳаёт каби тирик». Илмий-оммабоп программа. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Менинг Карменим». Телевизион фильм-опера. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевизиеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Мен — қорадеңизчи». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 «Тошкент» телепрограммаси. 20.55 Тошкент янгиликлари.

23 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ешлар адреслари». 10.45 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси симфоник оркестрининг концерти. 13.00 «Қурилиш бошлиғи». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Ч. Диккенс ижоди». 16.45 «Сотсталар ва ҳаёт». 17.15 «Халқ оҳанглари».

17.30 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажарғ». ГДРдан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Қуролсизланиш — замонамизнинг бош масаласи». 19.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобринёва концерти. 19.55 «Венгер коммунистлари ҳақида ҳикоялар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Каверзнев олиб боради. 20.25 Г. Горин. «Ким асилда ким?». Телевизион спектакль. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Г. Канчели. Тўртинчи симфония. Грузия ССРда хизмат кўрсатган Давлат симфоник оркестри ижро этади. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Динамо» (Москва). МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳозирги замон империализмининг асосий қарама-қаршиликлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Комиссарнинг неваралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Ҳозирги замон империализмининг асосий қарама-қаршиликлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Само саргузаштлари». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шонли саҳифалар». 18.45 «Ишга тушириладиган объектлар сафга». Бухоро ип газламалар комбинати. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Ижод гулшани». Телевизион журнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Навқирон балет премьераси. «Пахита» ва «Шарқ миниатюралари» балетлари ҳақида. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «30 ёшга тўлган кунда». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун. «Мен Сиверскийга боришни истайман». Телевизион бадиий фильм. 20.20 Камер ансамбларининг I Тошкент конкурси олдидан. 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 Реклама.

24 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажарғ». ГДРдан олиб кўрсатилади. 10.55 «Менинг кўчам». Телевизион бадиий фильм. 12.10 «Рига» духовой оркестри чалади». Фильм-концерт. 15.00 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 15.45 «Тарих саҳифалари». Киев Руси. 16.15 Владимир Ильич номли завод Маданият уйининг камер хори куйлайди. 16.30 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. Эндшпиль. 17.00 «Москва ва москваликлар». 17.30 «Қувноқ нотлар». Еш вокалистлар конкурси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 54 йиллигига бағишланган МХР телевидениесининг программаси. 19.55 «Саргузашт фильмлар экрани». «Паспортсиз кишн». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинопанорама». 23.35 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 00.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «М. Ю. Лермонтовнинг қадамжолари бўйлаб». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Катта онда». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «В. Маяковский ижодига обзор». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Болалар учун. «Ўсмирлар ижоди».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Леопольд лақабли мушукнинг қасос олиши». Болалар учун мультфильм 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 1978 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреатлари. 18.50 «Идеология ва ҳаёт». «Халқ жасоратининг солномаси». Қарши чўлини ўзлаштирувчилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» китоби ҳақида. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 «Саҳна усталари», М. Уйғур. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада коллективларининг республика конкурси. Маргилон «Наврўз» ҳаваскорлик вокал-чолғу ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.30 «Олис орол сири». Болалар учун мультфильм. 20.00 «Қорли жилолар». Фильм-концерт. 20.55 Тошкент янгиликлари.

25 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «АББГДейка» 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Қўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.25 «Тенгги почта». Музикали программа. 12.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 12.45 Югославия Социалистик Федератив Республикаси телевидениесининг миллий байрам — Республика кунига бағишланган программаси. 13.45 «Инсон». Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 14.30 А. Лядов. Саккизта рус халқ қўшиғи Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус халқ чолғу академик оркестри чалади. 14.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.45 Мультфильмлар программаси. 16.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзуларидаги суҳбати. 17.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Крылья Советов». МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото» тиражи. Янгиликлар. 19.30 «1978 йил қўшиқлари». 20.10 «Океандаги ороллар». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Э. Хемингуэй. 1-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Океандаги ороллар». Телевизион спектаклининг давоми. 2-қисм. 23.30 «Рақс залн». 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз — Қашқадарёданмиз». Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Шаҳрихон ва Қоракўл командалари иштирок этади. 13.00 «Кинокўзгудаги ҳаёт» (рус.). 14.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Винокор»— Латвияс Берзс» (Рига) «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж. 3-давр (ёзиб олинган). 14.40 Ота-оналар учун консультация (рус.). 15.10 Реклама. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Қурбақа-малика». Болалар учун мультфильм.

18.15 Болалар учун. «Ўйлаб топ!» (рус.). 18.45 «Оила гурунги». «Болалар учун қўплаб товарлар етказиб берайлик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Юз йиллар оша боғ». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 Телевизион миниатюралар театри. 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 «Олтин даврим». Катта байрам мусиқали программа (7 ноябрь куни ёзиб олинган). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Олтин даврим». Катта байрам мусиқали программанинг давоми. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 «Экран — болаларга». 17.25 «Кўзойнак». Телевизион бадиий фильм. 18.10 С. Рахманинов романслари. 18.30 «Ставрополь». Телевизион фильм». «Совет Иттифоқи шаҳарлари» туркумидан. 18.55 Тбилиси опера театрининг солистлари куйлайди. 19.35 «Сайра қамуз». 20.30 «Взувчи ва замон». 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

(9-КАНАЛ ОРҚАЛИ)

20. XI. ДУШАНБА

20.25 «Шифокор экрани». 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия.

21. XI. СЕШАНБА

«ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ».

21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика.

22. XI. ЧОРШАНБА

19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

23. XI. ПАЙШАНБА

19.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

24. XI. ЖУМА

19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.25 Ўқитувчилар учун консультация. 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/XI да **Испан миниатюралари**, 19/XI да **Этик қийган мушук** (12.00), **Афсоналар водийсида** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/XI да **Тирик мурда**, 19/XI да **Фариблар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/XI да **Қизил дурралн нозик ниҳолим**, 19/XI да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (12.00, 19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аренада москваликлар» янги цирк программаси** (18/XI да 16.00, 19.30), 19/XI да (12.00, 16.00, 19.30 да).

КИНО

18 НОЯБРДА

«ОКТЯВРЬ ГАПИРАДИ» — **Санъат саройи, ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«ПЕКИН — ИНСОНИЯТ ТАШВИШИ» — **Фестиваль.**

«ИШЧИ А. УМАРОВ» — **Мир.**

«ОЛИС ДУНЁ САДОСИ» — **Лисунов номли.**

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Восток.**

«ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН» — **Дружба.**

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — **Тинчлик.**

«РУС ХАЛҚИНИНГ ТАЛАНТЛАРИ» — **Қозоғистон.**

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«АТТРАКЦИОНЛАР ТУҒИЛАДИГАН УЙ» — **Москва.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — **Дружба, Тинчлик.**

«НУҚОЛИШ» — **Дружба (2-зал), Москва, С. Раҳимов номли.**

«СУБҲИДАМЛАР БЎСАСИ» **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ҚАМАЛ» — **Мир.**

«ВАҲИМА ШИФОСИ» — **Ғ. Ғулом номли.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **С. Раҳимов номли, Тошкент Совётининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги, Чайка, Кўнча, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нукус, Ғунча, Москва, ВЛКСМ 30 йиллиги, Восток.**

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ МАИШИЙ ЭЛЕКТРОНИКА **факультетига**

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФАКУЛЬТЕТ ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН РАДИОЭЛЕКТРОН АСБОБЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ АСОСЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРАДИ.

Ўқиш программаси умумий ўрта маълумоти бўлган донадаги барча кишилар учун мўлжалланган.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Машғулотлар 1978 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойнинг 1 ва 3 чоршанбасида, 116 аудиторияда соат 19.00 дан 20.30 гача ўтказилади.

Тингловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, маълумоти ва иш жойи ёзиб кўрсатилган аризалар куйидаги адрес бўйлаб юборилади: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Энгельс кўчаси, 108-уй, илмий ишлар бўйича проректорга.

Маълумотлар олиш учун 416-хонага соат 10.00 дан 15.00 гача маиший электроника факультетининг деканига мурожаат қилиш мумкин.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети қошидаги

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

олий ўқув юртларига кирувчилар учун

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида 26 ноябрдан 21 майгача якшанба кунлари соат 10.00 ва 14.00 да қуйидаги фанлардан ўтказилади:

СССР тарихи ва адабиёт;
СССР тарихи ва ўзбек адабиёти;
математика ва физика;
химия ва математика.

ЎҚИШ УЧУН 10 СЎМ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Тошкент Давлат университетининг Маданият саройи, 3-қават, 27-хона. Телефон 46-02-25.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Институтга кирувчиларни кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган

7 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Машғулотлар физика, математика, химия ва адабиёт фанлари бўйича ҳафтада 3 марта ўзбек ва рус тилларида ўтказилади. Машғулотларни юқори малакали ўқитувчилар олиб боради. Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида гувоҳнома (нусхаси), (10-синф ўқувчилари мактабдан справка топширадилар), 3Х4 см. ҳажмида 2 та фотосурат, иш жойидан справка.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Иккинчи группа машғулотлари 15 декабрдан бошланади.

7 ойлик машғулот учун 25 сўм тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент — 100, Горбунов кўчаси, 5-уй.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЎҚУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ЧИҚАДИЛАР: ЮҚОРИ ВОЛЬТЛИ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЁР, ТЭЦ ВА ИССИҚЛИК ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАРИНИНГ ТУРБОАГРЕГАТЛАРИ МАШИНИСТИНИНГ ЕРДАМЧИСИ, ТЭЦ ВА ИССИҚЛИК ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚОЗОН АГРЕГАТЛАРИ МАШИНИСТИНИНГ ЕРДАМЧИСИ, ЭЛЕКТРОСЛЕСАРЬ.

Билим юртига Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган йигитлар қабул қилинади, машғулотлар қисқартирилган программа бўйича 6—8 ой давомида ўтказилади.

Ўқувчиларга 70 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида маблағ билан рағбатлантириладилар. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганлар белгиланган намунадаги аттестат оладилар ва Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналарига ўзлари эгаллаган ихтисос бўйича ишга юбориладилар.

Тошкент шаҳрида яшовчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт, ҳарбий билет, 6 та фотосурат (3Х4 см.), яшаш жойидан справка ва медицина справкаси (286-форма).

Машғулотлар группалар комплектланишига қараб бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (Олой бозоридан ТашГРЭСгача 111, 115-автобусларда борилади). Телефонлар: 62-12-16, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

Телевизор экранида

18 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

17.30 «Никарагуа: Халқ зулмга қарши», «Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Друзинин олиб боради. 18.00 «Днепрянка» бандуристлар триосининг концерти. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳайвонот оламида». 19.45 «Виват, Россия!». Фильм-операнинг премьераси. (А. Петровнинг «Петр I» операси оҳанглари асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Театр ҳақида ҳикоялар». 22.35 Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист Р. Ибрагимов куйлайди. 23.20 «Тарих-нинг мовий иппи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.55 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.35 «Алдар Кўса ва бой». Болалар учун мультфильм. 17.45 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.15 «Унинг номи билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ота-оналар университети». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Севги ҳақида йигирма ва бонг ҳақида бир қўшиқ». «Наврўз» вокал чолғу ансамбли, «Садо» вокал группаси ва «Ритм» рақс группаси ижросида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Туй тароналари». «Қувонч оҳанглари». Телевизион фильм-концертлар. («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Мусаддима». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

18.00 —21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

19 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

РАКЕТА ҚУШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Садко». Бадиий фильм 2-қисм. 12.40 «Агар ўзинг қурсант...» Ҳужжатли фильм. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Театр спектакли». Л. Леонов. «Олтин арава». Малая Броннадаги Москва драма театрининг фильм-спектакли. 16.45 «Халқаро панорама». 17.15 «Бугун — ракета қўшинлари ва Артиллерия куни». Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони армия генерали В. Ф. Толубко сузи. 17.30 Ракета қўшинлари ва артиллерия кунига бағишланган концерт. 18.00 «Оқ орол қалалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 «Останкино концерт студия. сида РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Миронов билан учрашув». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Салават Юлаев» (Уфа) — МАСК. Уфадан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Узбекистон санъат усталарининг концерти. (Санъат саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган). 11.40 «Бепоён Ватаним менинг». «Ашхобод». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». Маргилон ва Тошкент шаҳарлари командалари учрашадилар. 13.00 «Майор Бўрон». Бадиий фильм 2-серия. 14.30 «Шахмат мактаби». 15.00 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». (рус.). 15.40 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Женя лақабли мушукча ва кўча ҳаракати қоидалари ҳақида». Болалар учун мультфильм. 17.50 «Эртага — премьера». Кино-кўрсатув (рус). 18.20 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 18.45 «Бугун — ракета қўшинлари ва Артиллерия куни». 19.00 «Ракетачилар» Ҳужжатли фильм. 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Тошкент тароналари». Телевизион фильм-концерт премьераси. («Ўзбектелефильм»).

19.50 «Шеърият меросидан». М. Шайхзода. Шоир туғилган кунининг 70 йиллигига (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Санъаткорлар — ҳосил усталарига». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Биз Қашқадарёданмиз». Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Кўрсатувда Қашқадарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. У. Бегматов иштирок этади. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

17.00—23.35 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

4 бет ОҚШОМ

18 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41, ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуш — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42, 38-81-42; наширёт диспетчери 32-78-94, наширёт телефон станциясининг навбатчиларн —33-90-50.

Р—01920. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1462.